



2019 йил «30» *сентябр* № *8182* -Қ
Ургут тумани Ватак маҳалласи худудидан
аукцион ғолиби Эргашева Режабга савдо ва
маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Urgut sh. – г.Ургут

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5552-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорига асосан Ургут тумани ҳокимининг ер участкасини аукционга чиқариш тўғрисидаги 2018 йил 20 декабрдаги 3336-сонли Қарори билан аукционга қўйилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” аукцион натижалари тўғрисидаги № YU0715-000036-сонли баённомаси ҳамда аукцион ғолиби Эргашева Режабнинг туман ҳокими номига қилган мурожаатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” аукцион натижалари тўғрисидаги № YU0715-000036-сонли баённомаси ҳамда аукцион ғолиби Эргашева Режабнинг туман ҳокими номига қилган мурожаати инobatга олинсин.
2. Аукцион ғолиби Эргашева Режабга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Ургут тумани Ватак маҳалласи худудидан № 1718236-ZU/15907-рақамли 0,1281 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Аукцион ғолиби Эргашева Режабга туман ҳокимлиги билан “Аукцион мажбуриятларини бажариш тўғрисида” шартнома тузиш, шартнома

мажбуриятларини белгиланган муддатида бажариш, мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, шартнома белгиланган тартибда бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олинishi тўғрисида огохлантирилсин.

4. Аукцион ғолиби Эргашева Режабга қурилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 370-сонли қарорида белгиланган тартибда амалга ошириш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Баҳриев)га ажратилган ер майдонини тасдиқланган бош режа асосида жойнинг ўзи (натура)да кўрсатиб бериш, далолатнома тузиш ва туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

6. Туман Архитектура ва қурилиш бўлими (Б.Соатов)га аукцион ғолиби Эргашева Режаб томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

7. Самарканд вилоят ер тузиш ва кўчмас давлат корхонаси Ургут туман филиали (Б.Умаров)га аукцион ғолиби Эргашева Режабга ажратилган ер майдонига бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда Давлат руйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (У.Ўроков, Т.Махматмуродов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



М.Турдиев